



Тастиклайман

Балиқчи тумани тиббиёт

бирлашмаси бошлиғи

М.Эргашева

## Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

Танлов Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлашда “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси оркали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади. танлов иштирокчилари учун йуриқнома.

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва утказиш тугрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕД МЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш буйича малакали мутахассисларга эга булган ташкилотлар жалб килинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати - 142499506 (бир юз қирқ икки миллион тўрт юз туксон туккиз минг беш юз олти) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати - буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 170300, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Балиқчи тумани.

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

1.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдордаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси,

ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ухшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари/ тугрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг муваффақиятли хдми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

1.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

1.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хдмда муассислик қилинув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

1.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (қизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳдқида мувожаат қилишга ҳақлиқдорлар.

Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш  
ишларини бажариш учун  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш
2	Буюртмачи	Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси
3	Буюртма учун асос	Бино ҳолати яроқсиз ҳолатдалиги.
4	Объектнинг жойлашган манзили	Андижон вилояти Балиқчи тумани
5	Катнашувчи учун талаблар	Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш буйича малакали мутахассисларга эга бўлиши. Буюртма берилганда тез муддатда таъмирлаш ишларини бажариш.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Хизмат курсатувчи томонидан тақдим килинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варакаларга асосан икки томон уртасида узаро тасдиқлангандан сунг қорхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул утказиш йули билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан утказиладиган маблағлар билан кушиб ҳисобланади. Шартномага асосан 1 ой учун тахминан 142499506 (бир юз қирқ икки миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг беш юз олти) сумлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат курсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил май ойидан 2022 йил июньгача
9	Техника хавфсизлиги	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қондаларга тула риоя қилиниши шарт.
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан

Балиқчи тумани тиббиёт  
Бирлашмаси бошлиғи :



М.Эргашева

